

ЗЕБО НУРМАНОВА

ТОМЧИ

Шеърлар



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2004

84(54)6-3

Ўзи ва қалбини шеърларида англатишга интилаётган Зебо Нурманова ёш ва ёниқ юрак билан ёзади. Унинг «Нилуфар» номли илк тўплами бундан бир нишона эди.

У табиат ва ҳаёт шайдоси. Уларга муҳаббат ва дунёга руҳий муносабатдан яралган шеърлари ушбу мўъжаз тўпамдан ўрин олган. Эндигига 15 ёшга кирган Зебодан янги шеърлар кутиш мумкин. Чунки унинг Сизга айтадиган ўз сўзи бор.

ISBN 5-633-01659-9

© Зебо Нурманова. «Томчи».
«Янги аср авлоди», 2004 йил.

0.05
272
A

| |
|--|
| Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston M. |
|--|

10

ОЛИЙ КАЛОМ

Соғинч – узун йўлга тикилган назар,
Ялпиз ҳидларидан маст бўлар ғунча.
Кўзларим қароси дунёни кезар,
То кунлар ботгунча ё тонг отгунча.

Ухлаб ётибман-у, кўзларимда ёш,
Гуллар сочларимга боғлар ўзини.
Юрагимга ботган шаффоф харсангтош,
Само ўпиб қўяр ёмғир кўзини.

Яна учиб келди дўстим – қалдирғоч,
Айвонимда унинг чуғур-чуғури.
Шунчалар бездирди иним – қалдирғоч,
Ҳаётнинг бешафқат югур-югури.

Ҳали не кунлар бор, неча тунлар бор,
Ҳали тугармиди тонгнинг саломи?
Қаламлар ҳам майли, йиғласин зор-зор,
Лекин қалбда боқий шеърнинг каломи.

Яна учиб келди дўстим – қалдирғоч!

ОНА МЕҲРИ

Ёғду — қароғимга илган кипригим,
Қошларим қаърида қотиб қолган муз.
Ҳар гал йиғлаганда ерга тўкилиб,
Эримаиди улар ҳали ҳам ҳануз.

Ҳали ҳам кўзимда турибди музлар,
Қотган киприklarим учларигача.
Бечора нима ҳам қиларди ахир,
Ёшларим тўкилар сирғалганича.

О, муз юрагимга харсанглар отиб,
Анов тошга асир қилиб қўйдинг сен.
Тонгда майсаларга тушган шудрингдек,
Бугун ёшларимда музлаб қолдим мен.

Ҳа, ҳа, музлаб қолдим, юрак-бағрим муз,
Эритолмас мени қуёшнинг нури.
Мени эритади бир куни фақат,
Бир кун ололмаган онанинг меҳри.

Тонгда майсаларга тушган шудрингдек,
Бугун ёшларимда музлаб қолдим мен!

ДИЙДОР

Дийдор сени кутдим сабрдан кечиб,
Йўлларингга кўзим гул қилиб экдим.
Улар очилдилар киприklarимда,
Майин қорга сени севинчим, дедим.

Оппоқ кабутарнинг қанотларида,
Парларга айланиб сени изладим.
Кабутардан кечиб, гуллардан кечиб,
Соғинчнинг кўзида сени кўзладим.

Фамгин булутларга осилиб олиб,
Сенинг йўлларингга ёғай ёмғирдек.
Унут бўлсанг бирдан хаёлларимда,
Гўёки кўринар сенга оғирдек.

Тоғларда куйладим майин садолар,
Етаклаб келдилар лолақизғалдоқ.
Улардан сўрадим, ялиндим бирам,
Айтишди дийдорлар қолди яқинроқ.

Дийдор илҳоммиди қаламларимга,
Дийдорни ёзишга берилган сиёҳ.
Дийдорни соғиниб, унга кўз тутиб,
Ўзимга бердим энг олий гуноҳ.

Уни сукунатга бердим кўз юмиб,
Сотдим соғинчларнинг ҳасадларига.
Яна йиғлаб берди кўзларим кулиб,
Топширди ўзганинг не дардларига.

Яна кетаяпман узун йўллардан,
Кимнингдир ушалмас дийдори бўлиб.
Яна қайтаяпман ўзимга-ўзим,
Қорларнинг бағрига баҳори бўлиб.

Тоғларда куйладим майин садолар,
Етаклаб келдилар лолақизғалдоқ!



СИРЛИ КЎЛ

Бинафша яноғин сувга оқиздим,
Фамгин сукунатга эртақлар айтиб.
Нилуфар очилган кўл қирғоғида,
Узун тушлар кўрдим чўзилиб ётиб.

Ёмғир яноқлари гулғунчаларнинг,
Шудрингларин менга ҳадя этдилар.
Осмондан алвидо айтиб оққушлар,
Кўлдан йироқларга учиб кетдилар.

Дарахт баргидан бўсалар олиб,
Учирдилар менинг хаёлларимга.
Мажнунтол сочларин тонгга мақтаниб,
Гуллар очилдилар хаёлларимда.

Тонгдек кулаётган жўшқин майсалар,
Атрофимда куйлаб толмайдилар ҳеч.
Гўё дўстларимдек, беузр қушлар,
Азон кетадилар, қайтадилар кеч.

Фалакда гулларни терди кўзларим,
Тоғларда қорларнинг майин садоси.
Кўзларимга яна ялиниб берсам,
Бўлмас тушларимнинг сира адоғи.

Ёмғир яноқлари гулғунчаларнинг,
Шудрингларин менга ҳадя этдилар!

ЯНА ЙЎЛАКЛАРДА

Ҳар кун сояларга эргашиб юриб,
Адаштириб қўйдим йўлларимни ҳам.
Хазонларни босдим, қорлар ялиниб,
Мендан қидиравер, дейдилар ҳамдам.

Йўлақлардан юрдим бармоқлар санаб,
Санаб саноғига етолмадим ҳеч.
Капалаклар секин атрофим ўраб,
Уйга элтиб қўйди. Ботаяпти кеч.

Энди сабрларга сирларим сўзлаб,
Қандай ўтказаман бу тунни бедор.
Чироқ узр сўраб уйқуга кетди,
Бечора шамларнинг аҳволи ночор.

Шул дам юрагимда қасоскор нафрат,
Чўғларим ёндириб тутди қўлимга.
Олов учқунларин дилимга солиб,
Нафратлар ёғдириб бердим ўзимга.

Яна кетаяпман тонгларга қайтиб,
Бедор шамларимга жоним ачийди.
Сирдош капалаклар йўлга кўз тикиб,
Соғинч либосида мени танийди.

Хазонларни босдим, қорлар ялинди!

ТИЛАГИМГА ЭРГАШИБ

Шамолларга қўлларимни узатдим,
Бармоғимга ўралашди тилаклар.
Кўзларимдан сирларини яшириб,
Оқ балиқдек талпинади юраклар.

Елкани йўқ кемалардек эргашиб,
Тутиб олдим дарёларнинг кўлидан.
Юзларимга шапалоқлар тортма деб,
Қолиб кетдим тўлқинларнинг йўлидан.

Жаранглайди сукунатнинг ўйлари,
Баргларга алла айтар ўрмонзор.
Гар чарчасанг бу дунё ишларидан,
Ҳаёт дея куйлаб беради анҳор.

Кўнглим, осмонларга бир кулиб қўйгин,
Бугун юлдузларнинг қалблари баҳор.
Мен ҳам тилакларга эргашиб юрсам,
Тонгларини ҳады этарди дийдор.

Шамолларга қўлларимни узатдим,
Бармоғимга ўралашди тилаклар!

АДАШТИРИБ ҚҰЙМАНГЛАР

Қаранг, бугун кўкламларим куз бўлди,
Мени яна адаштириб қўйманглар.

Қаранг, бугун тундан олган дард ўлди,
Мени яна адаштириб қўйманглар.

Қизиқ, кеча ухлаб қолдим тушимда,
Эртақларнинг алласига алдандим.
Бугун борман, борман уйғоқ ҳушимда,
Мени яна адаштириб қўйманглар.

Эртақларнинг алласига алдандим,
Мени яна адаштириб қўйманглар,
Мени яна алдаштириб қўйманглар!



ОНАМ

Бугун тунда юрагимдан бир садо,
Кўзларимга нурларини таратди.
Бу овозлар туну кун бўлмас адо,
Қандайдир бир меҳр мени яратди.

Бу овозлар онажоним тилидан,
Юрагида ярақлайди тилаклар.
Толмаганман ушлаб онам қўлидан,
Бу дамларни орзиқади юраклар.

Онажоним бешигимизни қучиб,
Аллаларин аямаган мушфиқам.
Бизга доим бағридан кенг жой очиб,
Бошимиздан силаб қўяди ҳар дам.

Ҳали-ҳануз қалбимизга йўл топиб,
Борларини аямайдилар биздан.
Сизни қанча суюб ардоқлайман ҳеч,
Қарзим узолмасман, Онажон, сиздан.

Онам, соғинаман аллаларингиз,
Соғинаман сизни тушларимда ҳам.
Мен яхши биламан сизнинг қалбингиз,
Бизни соғинади соғиниб ҳар дам.

Қандайдир бир меҳр мени яратди,
Онажоним йўлларига қаратди!

УСТОЗ

Бугун эрта тонгда шабнам кўзида,
Кўриб қолдим сизни энг мўътабар зот.
Гулларнинг тилида, гулгун сўзида,
Дилдан ёздим сизни мушки амбар зот.

Онам десам сизга тонглар кулади,
Гулларга белади узун йўлларим.
Сизни устоз, десам шамол елади,
Сиздан меҳр олган ушбу қўлларим.

Сизни боғим десам, тоғлар ҳасадда,
Номингиз тонгларга ярашган зирак.
Устоз ғамлар кўрманг шодмон ҳаётда,
Сизнинг овозингиз... орзиқар юрак.

Устоз, соғинайин соғинган сари,
Дилкаш сўзларингиз гулғунчасини.
Сизнинг меҳрингиздан кетмайин нари,
Юракка муҳрлай мен барчасини.

Номингиз тонгларга ярашган зирак,
Меҳрибон устозим, онам устозим!

ШОД КУНЛАРИН...

Шодликка ўралгум, гулга ўралгум,
Шодмон лаҳзаларни соғиниб кутай.
Ғамларимни севиб, ғамларга тўлиб,
Мен яна шодликнинг қўлидан тутай.

Қўлларидан тутай жўшқин сойларнинг,
Хазон дилларимни оқизгум сувга.
Дийдорларнинг мармар кўзига боқиб,
Сирларимдан берай мен энг сулувга.

Қушлар олиб кетиб орзуларимни,
Ғамгин булутларга илиб қўйсинлар.
Менинг дардларимни улар ҳам эшитиб,
Йиғлаб берсин менга яна орзулар.

Яна нима дейин, неларни сўзлай,
Яна соғинайми сокин ғамларни.
Яна қўлларидан тутайми сойнинг,
Яна соғинайми сокин дамларни.

Қушлар олиб кетди орзуларимни,
Ғамгин булутларга илиб қўйсинлар!

БАХТИМ

Узоқ осмонларнинг баҳорларида,
Ахтариб юрибман чиройли бахтим.
Ўша бахт гулининг ифорларида,
Беркиниб турибди ҳилолли бахтим.

Шошқалоқ тонгларнинг гулчехрасидан,
Мўралаб кўяди бахтимнинг кўзи.
Ўша гул чехрали тонг чарчашидан,
Ийманиб чиқади бахтимнинг ўзи.

Шунда бутун олам қувончга тўлиб,
Қарсаклаб туради жўшқин садолар.
Менинг бахтгинамдан бахтлилар каби,
Яна кулиб юрар қалби адолар.

Узоқ осмонларнинг баҳорларида,
Ахтариб юрибман чиройли бахтим!



ЖИЙДА ГУЛИ

Кичик сойда оқиб борар жийда гули,
Анвойи мрамрлар кузатар аста.
Ҳидлари анқийди сувга урилиб,
Кўзлари шодон-у қалби шикаста.

Тилаклари содда худди ўзимдай,
Гулчаси ҳам оддий кўзимга ўхшаш.
Армонлари шодон, қалблари ғамгин,
Тилаги ҳам оддий — бир бора яшаш.

Ерларга экилган мажнун шохлардан,
Яна ўша ерга эгилиб туриш.
Яна ўша ерга тўкилиб туриш,
Яна ўша ерга қорилиб туриш.

Бунча сабрларга эртак сўзлайсан,
Бунчалар кўзингдан тўкилади дур.
Жоним, жийда гулим, тилаги соддам,
Сенга ўзим берай, ол жонимдан нур.

Яша менинг учун яша бир сония,
Сенга тўйиб қарай, тўйиб ҳидлайин.
Сени илиб қўйиб кўз қароғимга,
Сўнгра ўз-ўзимни ўзим қутлайин.

Сўнгра ўз-ўзимни ўзим қутлайин,
Жоним, жийда гулим, тилаги соддам!

ЁМФИРЖОН

Менга томчиларинг бергин ёмфиржон,
Бергин фалакдаги шодлигу ғаминг.
Бергин сўлаётган анов лолага,
Тонгнинг палласида осмондек шудринг.

Тўлсин карамингдан бу жаллод дунё,
Тўлсин шодлигингдан қароқчи ҳаёт.
Баҳра олганларнинг қалби ҳур бўлсин,
Нописандлар эса кутмасин нажот.


Ёмфиржон, ҳар сафар ёғар пайтингда,
Менга айт кўчамга чиқиб тураман.
Бир кўлимда китоб, бирида соябон,
Сен ҳақингда эртақ ўқиб бераман.

Кичик сандиқчам ҳам олиб чиқайми?
Унга томчиларинг солиб қўяман.
Ёмфиржон, уйқуга кетар чоғимда,
Сенга қараб ётиб ухлаб қоламан.

Шунда тушларимда кўраман сени,
Юрарканмиз бирга камалак рангда.
Сени кутиб олиб ёғар пайтингда,
Салом дейман шодон мен эрта тонгга.

Биз иккимиз учун хайр бегона,
Фақат салом дея кутиб оламиз.
Кечалари эса бир-биримизга,
Термулиб-термулиб ухлаб қоламиз.

Ёмғиржон, ҳар сафар ёғар пайтингда,
Менга айт, кўчамга чиқиб тураман.
Ёмғиржон!



ЮРАК АМРИ

Кўзлари бешафқат, киприги найза,
Қалби бўм-бўш хона, ҳатто чироқ йўқ.
Менинг шеърим қайда, юрагим қайда?
Кўксим тираб борар чўққига бир ўқ.

Сарсон кезаётир бир денгиз хаёл,
Унда балиқлар йўқ сузиб юргувчи.
Фақат нуқталар бор, сўроқ бемажол,
Бармоқлари букук санаб тургувчи.

Кўз ёшлари ивиган ёмғир ёши,
Кўлидаги гуллари қуриган тол.
Гар эгилса тушиб қолгудек боши,
Оёқлари йўлларга берарди савол.

Сўроқлари саволга берарди савол,
Эгнида либоси оқ тутдан ёдгор.
Қалби бўм-бўш, баргсиз бир қоп-қора тол,
Фақат юрагида қаттиқ бир тош бор.

Кўлида оқ-қора уч кўзмунчоқ бор,
Фақат тилагида муз қотган ёш бор!

ТОМЧИ ЁШ

Неча йиллардирким кўзимда булоқ,
Милтиллаб оқади яноқларимдан.
Унинг юраклари тоза бир қайноқ,
Бечора толгандир сўроқларимдан.

Киприкда юрагим ҳовучлаб томчи,
Кўзларинг юмагин жоним, дер титраб.
Қалбига қўшиқлар тўлдирган қамчи,
Жонини, жонимга, жон ҳалак тираб.

Унинг орзулари денгизлар, қўллар,
Қирғоқларни силаб тўлқин бўлишдир.
Яқин қариндоши ёмғирлар, дўллар,
Тақдири ерларга сингиб сўлишдир.

Кўзларимни юмиб, қўлимни очиб,
Уни ушлаб олсам армоним бекор.
Бечора бармоқлар тиғидан ошиб,
Ерларга қорилиб умри ҳам ночор.


Қалбига қўшиқлар тўлдирган томчи,
Жонини, жонимга, жон ҳалак тираб!

БИРИНЧИ ҚОР

Майин учаётир бу қиш қорлари,
Юрагимга қўнар астагина жим.
Менга хафа қарар кўнгил зорлари,
Қордек учиб юрар ораста дилим.

Сочимда зар янглиғ нафис оппоқ қор,
Шодмон лаҳзалардан сўз очар ҳамон.
Бугун қорга қараб йиғладим илк бор,
Бугун ҳар галгидан юрагим шодон.

Майин учаётир энг биринчи қор!



ЯНГИ ЙИЛ

Эй кўнгил шодлиги, хуррам Янги йил,
Энг нафис тилаклар ўқилган эй кун.
Барчанинг қалбида байрам Янги йил,
Барчанинг тилида тилаксан бугун.

Барчанинг қўлида табрик мактуби,
Шошилар дўстларга улашмоқ учун.
Кимнингдир эсидан чиққани каби,
Югуриб елишар гоҳ совға учун.

Гоҳида безалган арча тагида,
Қўшиқлар куйлашар шодон болалар.
Эй шодлик, эй қувонч юксал янада,
Янада юксалсин гўзал арчалар.

Янги йил кунида янги тилаклар,
Янги орзуларга қўшилиб кетар.
Гўзал ниятларни айтган юраклар,
Орзу-ниятига, албатта, етар.

Эй кўнгил шодлиги, хуррам Янги йил,
Энг тоза тилаклар айтилган эй кун!

БАҲОР

Баҳор, баҳоргинам нафисим ўзинг,
Сенга топиб қўйдим оппоқ дилсўзлар.
Мени соғиндингми, нега нам кўзинг?
Кўйгин, йиғламагин, кулсин бу кўзлар.

Қара, тоғда турган омонат қорни,
Қишнинг ҳурмати бу ё сўнгги дийдор.
Қорни асраб тургин, кўрсин баҳорни,
Сўнгра дўстим, десин қиш сени баҳор.

Қара унибди-ку момақаймоқлар,
Кўркингни безашар кўзида қувонч.
Қушлар бир-бирини шодон қучоқлар,
Қуртак ёзибди-ку чопиғлиқ яғоч.

Қуртак ёзибди-ку бобом боғида,
Ўтган йили яйраб еган ўригим.
Укамнинг ясаган ҳазил тоғида,
Унибди бойчечак, келар қарагим.

Қўлимни узатсам сувларга бирдан,
То музлаб қолади юрагимгача.
Булбуллар навоси янграйди қирдан,
Қўшилиб кетади тилагимгача.

Қўшилиб кетади шодлик қувончга,
Сумалак ҳидидан маст бўлар диллар.
Гумонлар айланар шодмон ишончга,
Хуррамлик улашар беармон гуллар.

Сени кутаётир Баҳорим шодон,
Наврўзнинг нурафшон кўркам диллари.
Аёллар, оналар бўлишсин омон,
Дейдилар шод куннинг кўклам гуллари.

Не дейин, Баҳорим, неларни сўзлай?
Яна кўп соғиниб, кутайми дийдор?
Сен учун энг тоза мақсадни кўзлай,
Мен сени кутаман нафисим Баҳор.

Баҳор, баҳоргинам, нафисим Баҳор!



КУЗ

Япроқлар учади дарахтни қучиб,
Алвидо айтади бир-бирларига.
Уларни ушласам қўлимдан қочиб,
Айланар ариқнинг асирларига.

Айланиб учади оловранг қушлар,
Видо қўшиғини куйлашар бирга.
Кўнгил ўзи билан ўзи уришар,
Сўнгра кўнгил билан фарқ бўлар ерга.

Чиройли ухлайди унинг кўзлари,
Ўз ўтган умридан рози бўлгандай.
Оғир ботиб кетар шамол сўзлари,
Хўрсинар чумчуқлар етим қолгандай.

Она дарахтидан айрилган қарға,
Кўзига ёш олар ўзи билмасдан.
Эй куз, сен табиат ҳолига қара,
Бирон нима қилгин қараб турмасдан.

Маили қайғурмагин, ғам чекмагин, куз,
Ғам чексанг табиат бўлар ғамхона.
Сенга қараб туриб дейишар бир сўз,
Сокинлик ўзингсан, Кузсан ягона.

Сени тушунаман, эй олтин Кузим,
Мақсадинг қалбларга тин бериш, холос.
Ўтган уч ой бўйи чарчаган кўзим,
Жонсарақ сўзлашим бўлади асос.

Кузим борлигинга, борингга шукур,
Ёмғир сенсиз ўзин унутиб қўяр.
Кузим, энг чиройли кўркингга шукур,
Йўқса, оловранглар баргларни бўяр.

Йўқса, бир хил рангдан чарчайди кўзлар,
Йўқса, олтин Кузим кетади йироқ.
Сокин келаверсин оловранг Кузлар,
Майин учаверсин оловранг япроқ.

Йўқса, ёмғир ўзин унутиб,
Йўқса, оловранглар сочилиб ётар!



ТИЛАК

Бугун йўллар узайиб кетди,
Манзилларим кенгайди бироқ.
Хотиралар уйғониб кетди,
Қулоқ тутгин дўстгинам, қулоқ.

Қулгичларинг чиройли зирак,
Сўзларингки, бирам ёқади.
Бундан ортиқ бўлмаса керак,
Осмон марваридлар тақади.

Шабада силаса юзимиз,
Қоқиўтлар қоқар кипригин.
Биз табиатнинг эрка қизимиз,
Зухрадай порлаймиз бир кун.

Жийданинг гуллари нафармон,
Кўйлаклари учар шамолда.
Ёмғирларнинг ёшлари армон,
Дўстлар айрилсалар ёмон - а?!



НАВРЎЗ

Болалар лайлаклар учираётир,
Демак, баҳор келди, гўзал навбаҳор.
Шабнам шаробларин ичираётир,
Элимда, гулимда, дилимда баҳор.

Баҳорим, Наврўзни ўзинг етаклаб,
Ўзинг қўлларимга ол, деб тутқаздинг.
Шунда ҳам баҳсдан бир озроқ чарчаб,
Дедим: эй қиш, ана, ўзинг ютқаздинг.

Булбуллар куйлашар Наврўзимизни,
Кўзимиз соғинган интизор бўлиб.
Худойим беради ризқ - рўзимизни,
Инсонлар яшайди қувончга тўлиб.

Навбаҳор энг тоза тилакларимни,
Ёзаман бинафша яноқларига.
Қачондир гуллатдинг юракларимни,
Файрат бер чумоли оёқларига.

Бағри доғ лолалар очилсин эрта,
Улар ҳам куйлашсин Наврўзни шодон.
Майсалар сирпансин қирларда, ерда,
Наврўз юрагимда яшайди ҳар он.

Ҳаёт куртак очсин гулларимизда,
Оналар қилишсин Наврўзни дуо.
Тилаклар уйғонсин дилларимизда,
Баҳорни, Наврўзни асрасин Худо.

БОШИМДАГИ ЎРИК ГУЛЛАРИ

Ёмғир кўзларимда ёғар бетиним,
Ўрик гулларига бурканган бошим.
Эй менинг дўстгинам, меҳрибон иним,
Ҳамма тўзонлардан омонми бошим?

Фамлар юрагимга ошна тутиниб,
Эзаверди ҳар кун бардошларимни.
Аламлар, армонлар роса уриниб,
Ҳатто тортиб олди сирдошларимни.

Ерда етим бўлиб қолди қаламим,
Жонимни йиғлатди, ўкситди, сўкди.
Борган сари ёниб-куяр аламим,
Золим бағридаги тошларин тўкди.

Мени қийнаш билан ўтар ҳар они,
Юрагингни суғуриб оламан дерди.
Шу сўзин айтиб узилди жони,
Чунки юрагимда Худо бор эди.

Худойим бор эди, ёлғиз паноҳим,
Кўз ёшлар тўкаман қувончдан гуллаб.
Менинг энг улуғим, инжа гуноҳим,
Яшайман ҳамиша Худодан тилаб.

Ўрик гулларига бурканган бошим!

БАҲОР САДОСИ

Мунис тонг отмоқда гунча лабида,
Шамолни алдайди алдамчи баҳор.
Янги кун кўз очган оққуш қалбида,
Шунчаки келмайди бундайин дийдор.

Бугун ўрикларнинг гули самода,
Булутлар бошига гулчамбар ўраб.
Дилларни шод айлаб гулгун навода,
Кўкламни уйғотган Худодан тилаб.

Атрофни кузатсам дилда завқ билан,
Ҳеч кўзим тўймайди оламга боқиб.
Қирларда, майсалар гулида ўлан,
Куёш ҳам ўзгача — қалбларга ёқиб.

Чайқовчи боғларда шамоллар маҳзун,
Қалбларни-қалбларга боғлаган жоду.
Эй ҳаёт, эй баҳор, йўлаклар узун,
Гўё у тонглардан яралган ёғду.

ДУНЁЛАР РАҚСИ

Кулгилар чиройли, шамшод, мафтункор,
Ариқда рақсга тушаётган япроқ.
Мени ўйлаб қўяр ёмғир ҳар баҳор,
Сочимдаги томчи бунча дилтироқ.

Бунчалар ялтироқ кўзларинг сенинг,
Унда кўриняпти кўзларим акси.
Хазонларни кечган бардошим менинг,
Бизни чорлаётир дунёлар рақси.

Шундай чорлаётир ўксик нидолар,
Сукунат тилларин ютиб қўяди.
Фақат алдоқчидек, алдоқ садолар,
Бугун кўклам сени яна аяди.

Яна аяяпти сендек нодонни,
Билмадим нималар кўрдим тушимда.
Бу дунё билмайди яхши - ёмонни,
Афсус, шундай экан, уйғоқ ҳушимда.

Мен эса дунёни бор деб юрибман,
Аксини тушимда кўрдим дейман ё.
Хаёлда қоғоздан қаср қурибман,
Ҳақиқат. Супада ётибман бежон.

Бас, етар ҳазилинг йиғиштир, дунё,
Буларнинг барчаси кибру ҳаво.
Барига нуқталар қўймасанг агар,
Сени кечирмаслар, кечирмас асло.

ҒУНЧАМ

Келаётган садолар қалблардан, қирдан,
Гўзаллик қасрида бор ғунчагинам.
Илҳомим мавж уриб руҳланар бирдан,
Уни куйлайверар шўх дилчагинам.

Майсалар васлингдан фалакка учди,
Капалак юзингга қўнди тўсатдан.
Қалбларим шодликдан дунёлар қучди,
Лолалар ғунчаси ёнди ҳасаддан.

Ҳали бир кун келиб гўзал боғларнинг,
Мўъжазгина гули бўларсан.
Гумбирлаган азим тоғларнинг,
Олқишига шоҳид бўларсан.

Мен тилимга эрк бериб бирдан,
Кўзим юмиб ўйлаб қўяман.
Сенга очил, десам тўсатдан,
Ғунчам, ўзим гуллаб қўяман.



АЁЛ

Аёл...

Садоқатдан яралган бир гул,
Ифоридан тўлмайди дил ҳеч.
Ундан меҳр ўрганган кўнгил,
Йўлларида тентирар соғинч.

Аёл...

Латофатдан яралган гунча,
Шудрингларга бағрини очган.
Илк оқшомдан то тонг отгунча,
Кулгичидан кулгилар сочган.

Аёл...

Муҳаббатдан яралган олам,
Гўзаллик боғининг дарахти.
Бир парча қоғозда тебранган қалам,
Мени лол қолдирган вафоси, аҳди.

Аёл...

Ширин сўздан яралган тилак,
Юрса пойин ўпар лолақизгалдоқ.
Унинг қалби эрур ҳар қандай истак,
Удир шабнамлардан унган бир япроқ.
Аёл!

ТОНГДАГИ ШАБНАМ

Қуёшнинг нурлари ёрқин, нурафшон,
Кўнгилдек покиза, тилакдек нафис.
Шабада эсганда силкиниб ҳар он,
Шабнамда таратар муаттар бир ис.

Қаймоқгул баргида ухлаган шабнам,
Ола мушугимнинг кўзидек чарос.
У ҳаёт дардига бўлиб чин ҳамдам,
Ҳар лаҳза ўнгида товланган чарос.

Баргларнинг эркаси, қирлар чиройи,
Илк тонгги шабнам у,
Илк тонгги шабнам!



ОҚ ГУЛ

Узун оқшом кўл юзида ой акси,
Кўзларимга сингиб кетар ногаҳон.
Тун қушининг ноласидек қалб саси,
Қўлларида ханжар, гўё қасоскор.

Атроф жимжит шамол куйлар овозсиз,
Қора тошлар сувга чўкиб шиғирлар.
Саволларим қолиб кетар жавобсиз,
Фамгин сукут хаёлимни ўғирлар.

Сездим, ниманидир сездим, йўқ кўрдим,
Сувда қалқиб турар қандайдир оқ нур.
Эй кўл, қора тунни ўтмишга йўйдим,
Энди юрагимда ўша оқ гулдир.

Энди тилакларим ўша оқ гуллар,
Энди кўзларимда тонгнинг шуъласи.
Тангрим, энди қалбим, юрагим гулдир,
Энди шодлигим ҳам қийғос гуллайди.

ТОНГДАН ЯРАЛГАН УМР

Фамгин нигоҳлар-ла жовдираб дунё,
Тонгнинг кўзларига сув сепаётир.
Борлиқни эркалаб — эркалар само,
Майсалар қалбини юпатаётир.

Гардунларни ўпган тарих тоғлари,
Бошимда лолалар учираётир.
Бободехқонимнинг хазон боғлари,
Сариқ шаробларин ичираётир.

Сармаст бўлдим, маст бўлдим бирам,
Ёлгонлар юракни кемираётир.
Бехос қонаб кетди қалбдаги ярам,
Кўзим қароқларин қидираётир.

Буни ҳеч тан олгим келмайди, иним,
Биламан барибир ҳаёт гўзалдир.
Юрагим ярадор, лекин бор умрим,
Бугун тонгларим-ла шеърим ғазалдир.

Менинг кўз ёшларим бу кунларимни,
Оқизиб кетади кенг дарёларга.
Ўзим билан бирга бор гулларимни,
Учириб кетади у самоларга.

Балки мен ўшанда ниятга етиб,
Ҳаётдан беғубор нафас оларман.
Мен яна бир куни ерни соғиниб,
Самога қўлимни силтаб қоламан.

ВАТАН

Ватан, боғларингда митти япроқман,
Зотан илдизингдан яралганман мен.
Сой бўлишга интилаётган қирғоқман,
Ватан, мени бир бора фарзандим дегин.

Дегин, мени осмонда учган оққушим,
Майли, бу қувончдан ғурурланаман.
Сенга шеър ёзганим бўлмасин тушим,
Ватан, қизинг бўлсам фахрланаман.

Мушфиқам, азизим, онаизорим,
Сени ардоқлашни ўргатган менга.
Тунлари мўлтираб хира чироғим,
Ундаган шеърларим ёзиш учун сенга.

Ватан, туйғу бўлдинг жажжи юракда,
Бошим сила, қизим де, айлагин дуо.
Муқаддас номинг бор ҳар бир тилакда,
Сендан айрилмайин, айирма Худо.

Ватан, боғларингда митти япроқман,
Зотан илдизингдан яралганман мен.
Сой бўлишга интилаётган қирғоқман,
Ватан, мени бир бора фарзандим дегин.

Дегин, чироқ эмас, майли масъум шам,
Бир гўшангни ёритсам бу катта бахтим.
Сени суймасалар қиларкан алам,
Сени севганим ҳам энг катта бахтим.

МЕН ИСТАЙМАН...

Мен истайман, ҳозир қирлар бағрида,
Кабутарлар билан дилимни ёзсам.
Оҳулардай елиб, тошлар қаърида,
Табиатни кўркам кулгига илсам.
Мен истайман...

Мен истайман, бугун ойнанинг бошида
Учсам юлдуз-маржон арғимчоғимни.
Гилосларни ичсам гуллар қошида,
Гулларим тўлдирар фалак боғини.
Мен истайман...

Мен истайман, тонгда денгизга бориб,
Кўзларимни юмиб ухлаб қолишни.
Шундай хоҳлаяпман оппоқ қуш келиб,
У билан самода буткул қолишни.
Мен истайман...

Мен истайман, доим илҳомлар билан,
Оппоқ қоғозларга тўкилиб қолсам.
Бошимда айланса куй бўлиб ўлан,
Оққушлар қанотин бир ушлаб олсам.
Мен истайман.

МЕҲР

Юрагимни ёйгим келади,
Бу дунёнинг эртақларига.
Юрагимни қўйгим келади,
Меҳр голиб, дея ўртага.

Дардларимни гулларга ўраб,
Гулзорларга этсам бахшида.
Юракларга шодликни сўраб,
Кўп яшасак бирам яхши-да.

Юлдузларга тикилиб олиб,
Осмонларга этсам саёҳат.
Бу ҳаётда меҳрдир голиб,
Кўнгилларга бермас жароҳат.

Меҳр деймиз, нима ўзи у?
Кўнгилдаги чиройли тилак.
У юксалса енгилар қайғу,
Уриб турар меҳр-ла юрак.

НИЛУФАР

Қоқиўтнинг юзига тушган соялар,
Жўшиб-жўшиб қиқирлайди лолалар,
Атрофида бирлашгандек қоялар,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.

Райҳоннинг муаттар ҳидлари тутиб,
Менинг дийдоримни соғинган кутиб,
Дардларин йўқотиб, ичига ютиб,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.

Булбулнинг навоси булбулигўё,
Қуёшнинг гуллари гўзал, бебаҳо,
Кўзларига ёш олиб турибди само,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.

Сенга чирой ато этган табиат,
Сенда мужассамдир нозик бир қомат,
Шундай сулув гулнинг бориға раҳмат,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.

Қара, атрофингда қуёш ҳайрона,
Қилмагин бечоранинг қалбин вайрона,
Сенинг ҳидинг тутган ҳар дам, ҳар она,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.

Сенинг яноғингда хонқиз қураси,
Жўшиб оқаётир болнинг шираси,
Онам ёпадиган ноннинг зираси,
Сендай гўзал гул йўқ, нилуфар.
Сендай гўзал қиз йўқ, Нилуфар!

ТЎРТЛИКЛАР

Мен бир содда, минг дард қулиман,
Ҳар тонгдан бир умид тилайман,
Майсага ёзаман дилимни,
Юракдан-юракка қулайман.

* * *

Мен чўлда гул бўлиб гуллашим мумкин,
Ёмғирдек ёғарман бир кун эҳтимол.
Кечалар чақмоқнинг чақинли юкин,
Йиғлатиб бераман Сизга бемалол.

* * *

Табиат йиғлоқи тусда, фарқланиб,
Негадир она ер сақлади сукут.
Кўкламнинг меҳридан роса завқланиб,
Йиғлаб юбормаса бўлгани булут.

* * *

Қумлар саҳросида гуллагим келар,
Булбул куйлаганин куйлагим келар.
Тиканларни қалбга бирма-бир санчиб,
Эй дўст, сени доим ўйлагим келар.

* * *

Кузнинг хазонлари ерларда ҳамон,
Шамолнинг иши йўқ бечора билан.
Ишқин, муҳаббатин англаган замон,
Дилидан отилиб чиқади ўлан.

* * *

Эй гулфалак, кўрсат менга дунёларни,
Музлар босган қаъри қаҳр дарёларни.
Бу дунёда инграйдиган ўтинчим шу,
Кўриб туриб босиб қўймай рўёларни.

* * *

Гул юзида титраб турар томчилар,
Юрагимга чақмоқ урар қамчилар.
Қўлларимга рўмолчани ушлатиб,
Йиғлатдилар мени кўп алдамчилар.

* * *

Узоқларда кўринади чўл, саҳро,
Ухлаб ётар саксовулнинг шохлари.
Юрагимнинг қумлоғида бир гадо,
Кўкка етар ёниб айтган оҳлари.

* * *

Эргашади шамол кетидан,
Лолаларнинг майин яноғи.
Асир бўлиб хаёл кетидан,
Эргашади нодон оёғи.

* * *

Сароб эди унинг тилаги,
Сароб эди бир дунё орзу.
Рўёлардан тўлган юраги,
Лекин ўзи мисоли оху.

* * *

Кимки эрта билан тонгни кузатса,
Кимки ҳаёт сирин англаса ҳар дам.
Кимки меҳри билан тонгни ёритса,
Оллоҳ унга дўстдир, Оллоҳдир ҳамдам.



САРБАСТ ОҲАНГЛАРИДА

Ойни соғингим келди
бирдан
У бўйнимга осилиб олган
мунчоқ.
Ўзи билмайди буни
Соғинч ой кўзларин
юмиб қўяди
уялиб...

* * *

Учиб кетди
осмонга қараб
Капалакнинг
майса хаёли
Юрагида менинг
юрагим
Келиб қўнди
гулнинг юзига
Уни
туртиб қўйдим...

* * *

Кўнглим хурсанд бўлар
шабнамни кўриб
майин нафас олсам
қор ёғади қалбим тўрида
Титрайман
қорли тонгнинг
унаётган майсаси бўлиб.
Қор, Шабнам!

* * *

Оқиб кетаётир
дарахтнинг -
хазон баргчаси
Кеча унга
дардим айтгандим
Мени кечир
хазонгул баргча,
Кечир!

* * *

Хонамда сукунат меҳмон
Пардаларни эркалаб
шамол қўлларимга тутқазди
Деразалар ҳасад қилдилар
ўзидан ўзи
Момақаймоқлар
деразадан мўраладилар
гўё деразанинг ҳасадларига қўшилиб
Бечора пардалар
деворларга осилгани-осилган
Юрак бағри қондир бечораларнинг
Ҳудди мендек
ўз-ўзимга раҳмим келяпти
уларни кўриб
Девордаги осиглиқ сурат
мени овултгани-овулган
Сурат доим деразага қарагани-қараган
Улар дўстмиканлар?
Мен ва пардадек
Жим ўтирибман
бир ёнимда парда
бирида дераза
Ўртасида қолиб кетдим
Ногаҳон сурат эса бир четда
энди ўзим сўраяпман
энди ўзим ялиняпман
Мени яна овулт эй сурат
Кимдир уни олиб кетибди
яна золим
Сукунат!

* * *

Кўклам нафасидек расида
Тонглар менга эртақлар сўзлаб
ухлаб қолдилар ўзлари
Қиш қаҳридан ҳозиргина халос бўлган боғ
унга булбуллар султон.
Гоҳ сайрайди, гоҳ тин олади
Боғда сукунат
қулоқларим тагида кичик бир нолиш
янглишмасам йиғи.
У хўрсиниб эмас, қувончдан йиғлаяпти,
назаримда,
ундан эшитилаётган шарпа томон
хаёлларим шошаяпти.
Улар айланиб - айланиб
бир дарахт шохига қўнди.
Секин ўйландим,
Негадир сукунат қалбга фарқ бўлиб
кўзим жажжи куртакка тушди.
Ўша қувончдан йиғлаётган куртак.
Баҳор дийдорини тезроқ кўришга интилаётган
мўъжазгина гунча эди у.
Негадир менинг ҳам кўнглим
баҳорни соғина бошлади.
Бунча соғинтирмасанг,
Баҳор!

* * *

Шеър ёзиб ўтиргандим...

ташқи айвонда

ногаҳон дафтаримнинг оппоқ бетига
бир пар келиб тушди.

Ҳар толасидан нур ярақлайди —
жимман.

Сукунат қулоғимга шивирлади —
жимман.

Хаёлларимни йиғиб дафтарга қарадим
ўша оппоқ пар йўқ.

Фақатгина ундан нам юлдузча шакли
қолган.

Бу қандай сир?

Тушунмадим,
жимман!



* * *

Эй, сен оқ гулларга бурканган гулзор,
шамолларинг кўлимдан тутди.
Кўзларимдан нур учди бирдан
қандайдир илинж
олға юришни қайта - қайта,
такрор ва такрор эслатди.
Мен ўзимни йўқотмадим,
аллақандай бир шамол,
сочларимни меҳр ила силади.
Яна кимдир менга кўз нурларимни қайтарди.
Кимдир, яна кўлларимга юмшоқ,
онамнинг кўлларидай
бир парча меҳрни тутқазди.
Кўрдим - у оппоқ эди.
Уни кўзларим билан эмас,
қалбим билан кўрдим.
Чунки, ўша бир парча меҳр
менинг ҳам қалбимдан жой олган -
Мен онамга ўхшайман,
бошқаларга эмас,
беҳисоб шукур!

* * *

Осмонда номсиз қуш учаяпти
эркин, қанотлари сирли
бошқа қушлар сезмайди буни,
танишмайдилар ҳам ҳатто.
Гўё у бегонадек,
лекин мен уни танидим-
ўша номсиз қуш-
менинг ҳаётим, менинг чизиқлар билан бўялган
Шеърим,
дардларим, янги илҳомларим эди.
Номсиз қуш-
уни танишмади!



* * *

Ўзимни кўраяпман
тоғ бошида,
гоҳ тош тагида.
Қани эди ҳозир
кимдир мени тош тагидан
чиқариб олса...
йиғлама, деса.
Мен барибир йиғламайман,
чунки мен йиғлаб бўлганман-
тоғ бошида.
Нима ҳожати бор йиғлашнинг
тош бегона бўлса.
Йиғлолмайман,
кўзларим буни хоҳламаяпти.

* * *

Ҳозир мен унга сирларимни айтаман,
лекин ўша
мен ҳаммадан яширган асрорларимни
унинг дўстларидан,
нокас кўшнисидан
эштаман.
Деворнинг қулоғи борми?
Йўқ.
Унда улар қандай билдилар?
Ҳаммаси ўзимдан!

* * *

Юрак тўхтовларига бардош берган,
о, жоним.

Юрагим суратига тўкилган ёмондан
яхшидир ёмоним.

Бир куни юрагим ёмон тўхтаса...

Етармикан бардошим.

Бардошим - онам,

Юрагим - онам.

Суратим - онам!

* * *

Олис - йироқ бўлиши
мумкин,

лекин яқин

бўлолмас.

Шам - чироқ бўлиши

мумкин,

лекин қуёш бўлолмас.

* * *

Тош отдинг, лекин тегмади,
Сен хафасан.

Тошлар отдинг,
лекин бари

юрагимда чил - чил синган
тилагимга келиб тегди.

Афсус,
афсус-

қабутарнинг кафтларида учиб юрган тилакларим.
Афсус.

* * *

Кўзларим,

йиғлашни билмайди
фақат кулишни билади.

Йиғлаб туриб кулиш мумкинми?

Агар шундай бўлса...

бир йиғлаб беришим мумкин,

лекин доим йиғлашни билмайман

Кулги эсимдан чиқиб кетади.

Фақат бир бора йиғлашим мумкин,

фақат бир бора.

* * *

Сукунат
энг яқин ва энг йироқ ўй.
Уни жиловлаш гўё
бир тол барги устида турган
томчи.
Унга тегиб кетсанг
тушиб кетади,
ногаҳон.

* * *

Уйқулар
Киприкларим учида ухлаб ётибди.
Кўзларимни
Очишга қўрқаман.
Агар кўзларим очилса,
Улар уйғониб кетади
Тўсатдан!

* * *

Ўрик гулларига боққим келар жим,
Топгим келар унинг кўнглини.
Худди
вафодор аридек
у
Қанчалар бахтлидир-а?

* * *

Юрагимни йўқотиб қўйдим,
Кўз ўнгимда
кулгига тўла Осмон
қушларни бағрига чорламоқда.
Ёмғирни алишмайди
ҳеч бир нарсага.
Ялиндим
кўзимни кўкка тикиб.
Юзларимни ювди
шаффоф ёмғирнинг
эрка томчилари.
Юрагимни топиб берди у.

* * *

Кўзларимда жовдирар,
Дунё.
Юракларга сиғмас тилакдек.
Ёлғиз
Кўз ёшимга қорилган
Дунё.

* * *

Қушлар учаяпти тонгга илиниб,
Юрагига сиғмайди шодлик.
Кўзларида
чақнайди қуёш.
Мен ҳам тонгга интилиб
яшаяпман.
Юрагимга етишмас шодлик.

* * *

Бахт...
нима ўзи у?
майса юрагими,
кўзимми?
Ёки
соғиниб-соғиниб кутган
Дийдор?
Ёки
бу сўзми?
Юрагимни силаб ўтади шамол.
Демак...



МУНДАРИЖА

| | |
|----------------------------|----|
| Олий калом | 3 |
| Она меҳри | 4 |
| Дийдор | 5 |
| Сирли кўл..... | 7 |
| Яна йўлакларда | 8 |
| Тилагимга эргашиб | 9 |
| Адаштириб қўйманглар | 10 |
| Онам | 11 |
| Устоз | 12 |
| Шод кунларин... .. | 13 |
| Бахтим | 14 |
| Жийда гули | 15 |
| Ёмғиржон | 16 |
| Юрак амри | 18 |
| Томчи ёш | 19 |
| Биринчи қор..... | 20 |
| Янги йил | 21 |
| Баҳор | 22 |
| Куз | 24 |

| | |
|------------------------------|----|
| Тилак | 26 |
| Наврўз | 27 |
| Бошимдаги ўрик гуллари | 28 |
| Баҳор садоси | 29 |
| Дунёлар рақси | 30 |
| Гунчам | 31 |
| Аёл | 32 |
| Тонгдаги шабнам | 33 |
| Оқ гул | 34 |
| Тонгдан яралган умр | 35 |
| Ватан | 36 |
| Мен иштайман... .. | 37 |
| Меҳр | 38 |
| Нилуфар | 39 |
| Тўртликлар | 40 |

САРБАСТ ОҲАНГЛАРИДА

| | |
|---|----|
| «Ойни соғингим келди...» | 43 |
| «Учиб кетди...» | 43 |
| «Кўнглим хурсанд бўлар...» | 44 |
| «Оқиб кетаётгир...» | 44 |
| «Хонамда сукунат меҳмон...» | 45 |
| «Кўклам нафасидек расида...» | 46 |
| «Шеър ёзиб ўтиргандим...» | 47 |
| «Эй, сен оқ гулларга бурканган гулзор...» | 48 |
| «Осмонда номсиз қуш учаяпти...» | 49 |

| | |
|--|----|
| «Ўзимни кўраяпман...» | 50 |
| «Ҳозир мен унга сирларимни айтаман...» | 50 |
| «Юрак тўхтовларига бардош берган...» | 51 |
| «Олис - йироқ бўлиши...» | 51 |
| «Тош оддинг, лекин тегмади...» | 52 |
| «Кўзларим...» | 52 |
| «Сукунат...» | 53 |
| «Уйқулар...» | 53 |
| «Ўрик гулларига боққим келар жим...» | 53 |
| «Юрагимни йўқотиб қўйдим...» | 54 |
| «Кўзларимда жовдирар...» | 54 |
| «Қушлар учаяпти тонгга илиниб...» | 54 |
| «Бахт...» | 55 |

Адабий-бадий нашр

ЗЕБО НУРМАНОВА

ТОМЧИ

Шеърлар

Муҳаррир Д.МИНГБОЕВА

Бадий муҳаррир Б.БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ М.ХУДОЁРОВА

Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ № 3960

Босишга 12.10.2004й.да рухсат этилди. Бичими 60x84 1\32.
Босма тобоғи 1,875. Шартли босма тобоғи 1,74.
Адади 1000 нусха. Буюртма № 249.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.